
МЕҲР КЎРСАТИШ УЧУН БАЙРАМ ШАРТ ЭМАС...

Бугун туманимизнинг саховатли инсонлари томонидан хайрли тadbир бўлиб ўтди. Туманимиздаги "Roshidon Medical Center" клиникасида «Инсон қадри» шиори остида малакали шифокорлар томонидан бепул консультация ўтказилди. Tadbир доирасида Риштон ва қўшни туманлардаги фуқаролар учун малакали шифокорлар томонидан бепул тиббий кўрик акцияси ташкил этилди. Соғломлаштириш акцияси давомида шифокорлар томонидан тиббий кўрик амалга оширилиб, текширувлар жараёнида аниқланган хасталиклар юзасидан зарур муолажалар қўлланилди. Шунингдек, соҳа мутахассислари беморларга даволаниш бўйича маслаҳат ва тавсиялар беришди. Инсон қадрини улуғлаш тамойилини ўзида акс этган акция барча тумандошларимиз ва қўшни тумандан келган фуқароларни қувонтирди.

2022-01-23 16:42:52